

Аёл билан бир сафда туриб намоз ўқилса

19:56 / 26.04.2016 3519

САВОЛ: Биродаримнинг илтимосига кўра ушбу саволни беришга рухсат бергайсиз.

Аёл билан бир сафда туриб намоз ўқилса намоз бузилади, деб билар эдик. «Шарҳи Виқоя»нинг ҳошиясида Абдулҳай Лакнавий ушбу мавзудаги ҳадислар заиф деган эканлар.

Шуни ўқиганимиздан кейин бошимиз қотиб қолди. Сиз шунга нима дейсиз? Илм олишимиз учун ва амал қилишимиз учун аниқлик киритишда ёрдам беришингизни илтимос қилардик.

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Бу саволга «Мухтасари Виқоя»га ёзган шарҳимдан жавоб келтиришга ижозат бергайсиз.

Эркакка аёл зоти такбири таҳрима ва адода икковлари шерик бўлган мутлақ намозда тенглашиб қолса ва у аёлга имомликни ният қилган бўлса, эркакнинг намози фосид бўлади (бузилади).

Чунки эркак олдинга ўтиш ҳақидаги амрни бажармади.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Умму Сулаймнинг уйида намоз ўқидилар. Мен ва бир етим бола у зотнинг орқаларида турдик. Умму Сулайм эса бизнинг орқамизда турди».

Тўртовлари ривоят қилган.

Агар аёл киши эркак киши билан бир сафда турса намоз бузилмаганда ёлғиз киши бир ўзи саф тортиши мумкин бўлмагани учун Умму Сулаймни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ўзи сафда туришига рухсат бермас эдилар.

Агар имомликни ният қилмаган бўлса, аёлнинг намози бузилади.

Чунки аёлнинг иқтидоси тўғри бўлмади.

Бировнинг бу ҳадислар заиф дегани билан иш ўзгариб қолмайди. Валлоҳу аълам.